

Егувчилар тўпланадиган энг ёмон таом



15:01 / 07.07.2020 9035

Маййит чиқган хонадоннинг қўшнилари, ёру дўстлари ёки маййитга алоқадор кишилар учун мустаҳаб бўлган Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтган сўзларини амалга ошириш ҳамон суннатлигича қолган.

Инсонлар аслида вафот этган хонадонга таом тайёрлаб боришлари керак. Чунки маййит чиқган хонадон эгалари, яъни унинг аҳли аёллари, ўғил-қиз ва фарзандлари таом тайёрлашга бўш вақтлари ҳам, хоҳишлари ҳам бўлмайди. Уларга ҳабибимиз Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганларидек, уларни машғул қиладиган оғир мусибат етган.

Лекин уйда ёш болалар бор, улар очиқиб таомга эҳтиёж сезадилар. Ислоннинг самоҳати ва Пайғамбар хулқининг тақозоси шуки, маййит чиқган хонадонга қўшнилари ва унинг ёру-дўстлари аҳамият бериб, таом тайёрлаб, мусибат етган хонадонга олиб боришга чақиради.

Афсуски, бугунги кунда ҳаммамизга маълум бўлган воқелик Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам насиҳат қилган кўрсатмага аксар ҳолатларда тамоман тескари бўлаётганини кўрсатиб турибди. Шунингдек, маййит эгалари марҳумни жанозага тайёрлашдан кўра кўпроқ дастурхон безаш билан машғул бўладилар. Маййитни қабрга қўйиб келгандан сўнг мусийбат етган хонадон тайёрлаган таомларни ейиш одатга айланиб улгурган.

Аслида егувчилар тўпланадиган ушбу таомдан ёмонроқ таом борлигини билмайдилар.

Биринчидан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам насиҳат қилган суннатга мутлақо зид ва унга қарши чиқиш.

Иккинчидан, ушбу таомни тайёрлаш нафақат исломий хулқга, балки инсоний ахлоқларга ҳам тўғри келмайди.

Учинчидан, кўпинча ушбу дастурхонга маййит қолдириб кетган меросдан ишлатилади. Маййитдан қолган мерос меросхўрларнинг мулкига айланади. Кўпинча меросхўрлар орасида норасида болалар ҳам бўлади. Гарчи бу ерда норасида етимлар бўлмасада, меросхўрларнинг баъзилари рози бўлиши ва айримлари рози бўлмаслиги мумкин. Шу жиҳатдан маййит эгалари томонидан тайёрланган ушбу таом егувчилар тўпланадиган энг ёмон таом саналади. Чақирилган одамларни қандай қилиб ушбу таомга келаётганларини ва ундан танаввул қилишга журъат топаётганларини тушуна олмайсан киши.

Биз бу ёмон одатни тўхтатишга ва одамларни Пайғамбаримиз суннатига қайтаришга бор кучимизни сарф қилишимиз лозим.

Лекин баъзи одамлар «Бу ерда норасида гўдак болалар йўқ, бу таомни барчага мувофиқ келадиган тарзда тайёрланган», - дейдилар. Гарчи улар айтаётганидек тайёрланган бўлса ҳам бу таом Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам насиҳатларига мувофиқ эмас.

Улар бу ишни нима учун қиладилар? Улар ўзларининг урф одатларига таслим бўлганлари учун қиладилар. Агар шундай қилмасалар одамлар уларни «Ҳеч нарса қилмади, ўзи булар бахилда, шунинг учун қилмаган», деб гапирадилар. Шу сабаб мажбурликдан ушбу таомни тайёрлайдилар.

Эй дўстларим, сизни ушбу одатни йўқотишга, имкон қадар бор кучингизни сарф қилишингизга умид қиламиз. Чунки, бу жирканч ва бемаъни одатдир.

Биз саййидимиз Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сийратларини амалга ошириш учун бор имкониятимизни ишга солишимиз лозим.

Муҳаммад Саъид Рамазон Бутий

Абдуллоҳ Ғуломов таржимаси